

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAҲKAMACIНИНГ
ҚАРОРИ

547 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарор билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқлаган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 72-бандига мувофиқ, давлат божи ставкаларини мақбуллаштириш, фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларига 1-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 21 июнь,
402-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 21 июндаги 402-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон
қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1-бандда:

а) биринчи хатбошидаги «кассация» деган сўз «апелляция, кассация» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

б) «а» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« а) мулкӣ тусдаги даъво аризаларидан: — даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда »;

в) «а¹» ва «а²» кичик бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
г) «ж» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« ж) судларнинг қарорларига апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан — даъво аризаси ёки бошқа аризалар, шикоятлар берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи, мулкӣ низолар бўйича эса — ушбу банднинг «а» кичик бандига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ставкалар миқдоридан ».

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 21 июндаги 402-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат божи ставкалари ҳақида» 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2011 йил 18 майдаги 140-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 5-сон, 37-модда) илова 1-бандининг «б» кичик банди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон Фармони) 2012 йил 31 июлдаги 232-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 7-сон, 59-модда) илова 1-банди «а» кичик бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMACISINING
ҚАРОРИ**548 Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 апрелдаги ПҚ–2863-сон қарорини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Лицензия талаблари ва шартлари лицензия олиш ёки лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш учун янгидан ариза берган тиббий муассасаларга, шунингдек лицензияни қайта расмийлаштириш учун мурожаат қилган фаолият юритувчи лицензиатларга татбиқ этилади;

тиббий фаолиятни амалга ошириш учун аввал берилган лицензиялар уларнинг амал қилиш муддати тугагунгача амал қилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда қуйидагиларни тасдиқласин:

улар бўйича тиббий фаолият амалга оширилаётган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатураси;

тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талаблар, шунингдек тиббий ташкилотнинг туридан келиб чиқиб аниқланадиган тиббий ускунанинг маънан эскирганлиги даражасини аниқловчи мезонлар;

тегишли мутахассисликка эга врачлар тиббий ихтисослашувининг лицензияланадиган турлари бўйича врачлар лавозимини эгаллаши мумкин бўлган тиббий мутахассисликлар рўйхати;

лицензияни олиш, узайтириш ва қайта расмийлаштириш бўйича аризалар шакллари;

лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги эксперт хулосасининг шакли.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

икки ой муддатда Ўзбекистон хусусий амалиёт врачлари уюшмаси билан биргаликда нодавлат тиббий ташкилотлар ўртасида ушбу қарор қоидаларини бажариш бўйича кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин.

5. Ушбу қарор 2017 йил 1 июлдан бошлаб кучга киради.